

## ДИНАМИК МУСТАҲКАМ КҮНДАЛАНГ КЕСИМЛИ КАНАЛЛАР

**Раҳимов А.Р.** – ҚарМИИ доценти, (PhD).,  
**Холмаматов И.К.** – ҚарМИИ докторанти.,  
**Сафаров А.А.** – ҚарМИИ стажёр-тадқиқотчиси.,  
**Алимардонова М.У.** – ҚарМИИ магистранти.

### ANNOTATSIYA

*AQSh melioratsiya byurosining taklif qilingan bog'liqligi va muallifning eksperimental ma'lumotlari asosida kanalning dinamik barqaror kesmalarini hisoblash uchun bog'liqlik yo'nalishlar tahlil qilindi.*

**Kalit so'zlar:** static barqarorlik, dinamik barqarorlik, barqaror harakat, siljish kuchlanishlari.

### АННОТАЦИЯ

На основе предложенной зависимости бюро мелиорации США и экспериментальных данных автора получена зависимость для расчета динамически устойчивой поперечных сечений канала.

**Ключевые слова:** статическая устойчивость, динамическая устойчивость, установившееся движения, касательные напряжения.

### ANNOTATION

*On the basis of the proposed dependence of the United States Bureau of Reclamation and the experimental data of the author, a dependence is obtained for calculating the dynamically stable cross-sections of the channel.*

**Key words:** static stability, dynamic stability, steady motion, shear stresses.

### КИРИШ

Ҳозирги кунда гидротехника иншоотларининг ишончли ва хавфсиз ишлашига салбий таъсир қўрсатадиган омиллар, шу жумладан грунт ўзанли каналлардан сувнинг оқиб ўтишида кўндаланг ва бўйлама деформацияларини кечишини ва оқизиқлар транспортини прогнозлаш ҳамда уларнинг ҳисоб усулларини такомиллаштиришга оид мақсадли илмий тадқиқотлар олиб боришга катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишда грунт ўзанли каналларни юқорида келтирилган салбий оқибатларга нисбатан чидамли ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича самарали ечимларни топиш долзарб вазифалардан бири бўлиб саналади. Муаллифлар томонидан грунтли каналларнинг барқарор оқим шароитида ўзан статик мустаҳкам кўндаланг кесимиининг шаклланиши бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган ва улар

ўзларининг ўтказган тадқиқот маълумотларининг таҳлилига кўра ўзларининг ҳисоб усувларини таклиф этишган [1,2,3, ]. Лекин буларда тезлик оқим ювмаслик тезлигидан катта бўлган, яъни динамик мустаҳкам ўзан ҳолатидаги кўндаланг кесимнинг шаклланиши бўйича кам ишлар қилинган.

**Усул.** Лойиҳаланиладиган каналнинг трапеция кесимида чиқарувчи кучлар периметрнинг фақат рухсат этиларли бўлган қисмидаги максималь кучга тенг бўлади. Периметрнинг катта қисмida чиқарувчи куч рухсат этиладиган қийматдан кичик бўлади. Бошқача қилиб айтганда, номустаҳкамлик фақат периметрнинг кичик қисмидагина бўлиши мумкин. Максимал ўтказиш қобилиятига эга бўлган гидравлик мустаҳкам кесимни ҳисоблашда канал кесимининг бутун периметри бўйича ҳаракат хавфли бўлиши мумкин деб қараш керак. Бу оптималь кесим табиий қиялигининг бурчаги маълум бўлган материал ва берилган сарфларда фақатгина жонли кесимнинг юзасинигина таъминламасдан, шунингдек, минимал юқори сатҳ энини, максимал ўртacha тезликни ва минимал грунт ҳажмли ишларни ҳам таъминлаши керак [3].


Бизга маълумки, статик мустаҳкам каналларнинг кўндаланг кесим профилини ҳисоблашда АҚШ мелиорация бюроси томонидан таклиф этилган ҳисоб усули бошқа усувларга нисбатан самараали натижаларни беради [2]. Биз каналларнинг динамик мустаҳкам кўндаланг кесимини ҳисобини такомиллаштириш мақсадида шу усулни асос сифатида қабул қиласиз.

### **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА**

Бу усулни қараб чиқамиз. Қандайдир АВ элементар юзачага таъсир қиладиган чиқарувчи куч  $\gamma hidx$  ифодага тенг бўлсин (1-расм). Бунда  $\gamma$  - сувнинг солиштирма оғирлиги;  $h$  – АВ юзачадаги сувнинг чуқурлиги;  $i$  – бўйлама нишаблик. АВ юзачанинг юзаси  $\sqrt{(dx)^2 + (dh)^2}$ , бўлгани учун солиштирма чиқарувчи куч қўйидагини ташкил этади:

$$\frac{\gamma hidx}{\sqrt{(dx)^2 + (dh)^2}} = \gamma hi \cos \varphi, \quad (1)$$

бу ерда  $\varphi$  – АВ га нисбатан уринманинг қиялик бурчаги.



**1-расм. Гидравлик мустаҳкам кесим схемаси**

Канал марказининг туб ости сатҳидаги солиштирма чиқарувчи куч қуидагича:

$$\tau_D = \gamma h_0 i, \quad (2)$$

бу ерда  $h_0$  - канал марказидаги оқимнинг ўртача чуқурлиги. Қия АВ юзачадаги солиштирма чиқарувчи куч  $\gamma h_0 i K$  га тенг.

Бунда К чиқарувчи куч коэффициенти бўлиб, қуидагича аниқланади:

$$K = \frac{\tau_0}{\tau_D} = \cos \varphi \sqrt{1 - \frac{\operatorname{tg}^2 \varphi}{\operatorname{tg}^2 \theta}} \quad (3)$$

ёки соддалаштиришлардан сўнг

$$K = \sqrt{1 - \frac{\sin^2 \varphi}{\sin^2 \theta}}, \quad (4)$$

бу ерда  $\theta$  - табиий қиялик бурчаги;  $\tau_0$  - канал қиялиги сиртида заррача ҳаракатининг бошланишининг чиқаручи кучи бўлиб, ушбу

$$\tau_0 = \frac{G_p}{a} \cos \varphi \cdot \operatorname{tg} \theta \sqrt{1 - \frac{\operatorname{tg}^2 \varphi}{\operatorname{tg}^2 \theta}} \quad (5)$$

ифодадан аниқланади;  $G_p$  - сувга ботган заррачанинг оғирлиги;  $a$  - заррачанинг эффектив юзаси.

Канал бутун туб сирти бўйича ҳаракат бошланишини аниқлаш учун икки кучни тенглаштирамиз:

$$\gamma h i \cos \varphi = \gamma h_0 i K.$$

(3) ифодани  $K$  учун ва  $\operatorname{tg}^{-1}(dh/dx)$  ифодани  $\varphi$  учун юқоридаги тенгламага кўйиб ҳамда соддалаштиришлардан кейин қуйидаги тенгламани ҳосил қиласиз:

$$\left(\frac{dh}{dx}\right)^2 + \left(\frac{h}{h_0}\right)^2 \operatorname{tg}^2 \theta = \operatorname{tg}^2 \theta. \quad (6)$$

Канал марказида  $h=h_0$  ва  $x=0$ . Бу шартларда юқоридаги дифференциал тенглама қуйидаги қўринишни олади:

$$h = h_0 \cos\left(\frac{\operatorname{tg} \theta}{h_0} x\right) \quad (7)$$

ёки

$$\frac{h}{h_0} = \cos\left(\frac{\operatorname{tg} \theta}{h_0} x\right) \quad (8)$$

Бу тенглама юқорида келтирилган чекланишларни ҳисобга олган ҳолда гидравлик статик мустаҳкам кесим шаклининг косинусоида эканлигини ифодалайди. АҚШ мелиорация бюроси томонидан амалга оширилган математик таҳлил натижаларига кўра мустаҳкам кесимнинг қуйидаги хусусиятларини ўрнатиш мумкин:

$$h_0 = \frac{\tau_0}{0,97\gamma i}; \quad (9)$$

$$v = \frac{1,35 - 1,19 \operatorname{tg} \theta}{n} h_0^{2/3} i^{1/2}; \quad (10)$$

$$\omega = \frac{2,04 h_0^2}{\operatorname{tg} \theta}, \quad (11)$$

$\tau_0$  – рухсат этиладиган чиқарувчи куч;  $v$  – кесимдаги ўртача тезлик;  $\omega$  – жонли кесим юзаси;  $\theta$  – грунт материалининг ён томон қиялигини табий бурчаги;  $B$  – канал сув сатҳи бўйича эни.

Назарий кесим бўйича оқиб ўтадиган сарфнинг миқдори  $Q=v\omega$  ифодага тенг. Агар каналнинг сув ўтказиш қобилияти бу  $Q$  сарфга нисбатан кичик  $Q'$  сарфни ўтказиши керак бўлса, унда каналнинг энини унинг марказий қисмини қисқартириш ҳисобига камайтириш керак бўлади. Фараз қилайлик, сарф  $Q' < Q$  бўлсин.

Кесим лойиҳавий сатҳининг энини ва кесимнинг қисқатириладиган энини мос равишда  $B$  ва  $B'$  билан белгилаймиз.  $B'$  катталикни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$B' = 0,96 \left(1 - \sqrt{\frac{Q'}{Q}}\right) B. \quad (12)$$

Бошқа томондан, агар каналнинг  $Q''$  ўтказиш қобилияти  $Q$  сарфга нисбатан катта бўлса, у ҳолда канал марказида тўрт бурчакли секцияни қўшиш керак бўлади. Канал ўзидан сарфни ўтказиши керак деб қарайлик. Қўшиладиган тўрт бурчакли секцияни юқори томонининг энини  $B''$  деб белгилаймиз ва уни қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$B'' = \frac{n(Q'' - Q)}{1,49 h_0^{5/3} i^{1/2}} \quad (13)$$

[1] ишда ўзаннинг статик ва динамик мустаҳкамлигини, яъни оқизиқларни транспорт қиласиган ўзаннинг қўндаланг кесимини прогнозлаш учун ушбу статик мустаҳкамлигини ифодалайдиган боғланишлардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Бунинг учун статик мустаҳкам ўзанларнинг формуласига  $\theta$  табиий қиялик бурчаги ўрнига унинг кичрайтирилган қиймати киритилади:

$$\theta_D = \frac{\theta}{1,65}, \quad (14)$$

бу ерда:  $\theta_D$  ва  $\theta$  - мос равишда грунтнинг динамик ва статик мустаҳкамлигидаги ички ишқаланиш бурчаги.

Лаборатория тажриба маълумотлари ва дала шароитидаги тадқиқот маълумотларини таққослашга кўра (14) боғланишнинг ҳаққонийлигини баҳолашда, (14) формула ҳаққоний ўлчангандан қийматларнинг факат чегаравий сони учун тўғри бўлади ва кўпгина ҳолларда анчагина ноаникликларни ҳам кўрсатади. Шунинг учун, (13) боғланишдан фойдаланган ҳолда каналнинг максимал чуқурлигини бизга маълум деб оламиз ва (14) ифодани ҳамда чуқурлик  $h_m = 1,5h_0$  эканлигини эътиборга олиб қўйидаги канал қўндаланг кесимининг динамик мустаҳкамлигини ифодалайдиган тенгламага эга бўламиз:

$$\frac{h}{h_m} = \cos\left(\frac{tg\theta_D}{h_m} x\right) \quad (15)$$

ёки

$$h = h_m \cos\left(\frac{tg\theta_D}{h_m} x\right), \quad (16)$$

бу ерда  $h_m$  - қўндаланг кесими динамик мустаҳкам канал оқимининг ўртача чуқурлиги.

## **ХУЛОСА**

Ўтказилган лаборатория тажрибалари асосида олинган маълумотлар билан (15) боғланишга кўра ҳисобланган қийматларнинг бир-бирига ўзаро яқинлигини кўриш мумкин.

Демак, бундан (15) формуланинг ишончли натижалар беришини кўриш мумкин ва уни канал кесимининг динамик мустаҳкам кўндаланг кесимини ҳисобида фойдаланиш мумкин.

## **REFERENCES**

1. Абальянц С.Х. Форма русла предельного равновесия. – Сб. научн. трудов Среднеаз. НИИ ирригации, 1981, № 162, с.12-21.
2. Чоу В.Т. Гидравлика открытых каналов. –Изд-во литературы по строительству. М., 1969, 464 с.
3. Эшев С.С. Расчет деформаций больших земляных каналов в условиях стационарности водного потока. Ташкент. "Fan vat exnologiya", 2017.-164 с.
4. Эшев С.С. Расчет деформируемых больших земляных каналов в условиях нестационарности водного потока. Ташкент. "Voris nashriyot", 2018. -187с.
5. Ибад–Заде Ю.А. Транспортирование воды в открытых каналах. М.: Стройиздат, 1983.-272 с.